

---

## Жарангла, сўнгни қўнғироқ!

Жарангла, сўнгни қўнғироқ!

Данғара туманидаги 43 та умумтаълим мактабларида анъанавий “Сўнгни қўнғироқ” тадбири ўтказилди.

Жорий йилда туманда 2868 нафар 9-синф битирувчиларидан 76 нафари алохида нусхадаги шаходатнома ҳамда 1947 нафар 11-синф битирувчиларидан 33 нафари олтин ва 1 нафари кумуш битирув ёрлиқлари билан мактабни тамомламоқдалар.

2023-2024 ўқув йили якунланиши муносабати билан умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган “Сўнгни қўнғироқ” тадбирида Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари битирувчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Қўтаринки руҳда ўтган тадбирларда куй-қўшиқлардан иборат байрам дастури намойиш қилинди. Ўқув йилида юқори натижаларга эришган ўқувчилар ҳамда устоз-мураббийлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

---

2024-05-25 18:15:00